

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес
ва тадбиркорлик олий мактаби магистратура мутахассисликлари
фанларидан кириш синовлари
дастуридан кўчирма**

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 4-апрелдаги “Иқтисодий ислохотларни амалга оширишда илмий ёндашувларни кенгайтириш ва бошқарув кадрларини тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-108-сон Қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби (кейинги ўринларда Олий мактаб) замонавий таълим стандартлари асосида МВА – глобал менежмент, МВА – молия, МВА – агробизнес, МВА – кичик бизнес ва тадбиркорлик ва Лойиҳа бошқаруви (PM) магистратура мутахассисликлари бўйича иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг устувор вазифаларини ҳал этишга қодир бўлган юқори малакали бошқарув кадрларини тайёрлашни амалга оширмоқда.

Олий мактаб тингловчилигига қабул тест синовлари шаклида ташкил этилиб, унга давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, йирик уюшмалар, акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбар ва мутахассислари орасидан суҳбат асосида саралаш босқичларидан ўтган номзодлар тавсия этилади.

Тест синовларини ўтказишдан асосий мақсад, юқори касбий билим ва илмий ютуқларга, ижодий ва илмий салоҳиятга, юксак интеллектуал ва раҳбарлик қобилияти, маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган номзодларни танлаш жараёнида рақобат муҳитини яратиш ва таъминлашдан иборат.

Дастур Олий мактаб тингловчилигига номзодларнинг замонавий бошқарув тизимини ташкил этиш, ташкилот ва корхоналар ташкилий тузилмаларини оптималлаштириш, бошқарув тизимининг турли поғоналарида ваколатлар ва вазифаларни тақсимлаш, корхона ва ташкилотлар бошқариш самарадорлигини ошириш, уларда меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш, раҳбар фаолиятини оқилона ташкил этиш, бошқарувда вазиятли ва тизимли ёндашув тамойилларини татбиқ этиш, ахборот ва коммуникациялардан самарали фойдаланиш, корхонада самарали бошқарув фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш каби компетенцияларини баҳолашга йўналтирилган.

Дастур 70411302 – Бизнесни бошқариш (МВА – глобал менежмент), 70411302 – Бизнесни бошқариш (МВА–агробизнес), 70411302 – Бизнесни бошқариш (МВА–кичик бизнес ва тадбиркорлик), 70411302 – Бизнесни бошқариш (МВА–молия) ва 70411202 – Лойиҳа бошқаруви (Project Management) магистратура мутахассислигига тингловчиликка ўқишга қабул қилинаётган номзодлардан менежмент фани бўйича қуйидаги базавий мавзулар бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлишлари талаб этилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

1-мавзу. Менежментнинг назарий асослари

Бошқарув ва менежмент. Молиявий менежмент. Инновацион менежмент. Савдо менежмент. Бошқарув (менежмент)нинг моҳияти ва тизими. Бошқарув тизимининг Бошқарувчи ва бошқарилувчи тизимчалари. Тўғридан тўғри алоқа. Тескари алоқа. Менежмент тизимининг тузилиши.

Менежментга нисбатан ёндашувлар. Менежментнинг илмий ёндашувлари ва тамойиллари. Бошқарув усуллари. Маъмурий ёндашув. Қайта ишлаб чиқарувчи ёндашув. Динамик ёндашув. Интеграцияли ёндашув. Мажмуавий ёндашув. Маркетингли ёндашув. Меъёрий ёндашув. Ахлоқий ёндашув. Жараёнли ёндашув. Тизимли ёндашув. Вазиятли ёндашув. Вазифавий ёндашув.

Менежмент тамойиллари. Меҳнат тақсимоли тамойили. Ваколатлар ва жавобгарлик

тамойили. Интизом тамойили. Якка хукмронлик тамойили. Ҳаракатлар бирлиги тамойили. Шахсий манфаатларни бўйсиндирилиши тамойили. Ходимларни мукофотлаш тамойили. Марказлаштириш тамойили. Қояли занжир тамойили. Тартиб тамойили. Адолат тамойили. Ходимларнинг барқарорлиги тамойили. Ташаббус тамойили. Корпоратив рух тамойили.

Бошқарув усуллари. Бошқарувнинг иқтисодий усуллари. Бошқарувнинг маъмурий усуллари. Бошқарувнинг ижтимоий-психологик усуллари.

2-мавзу. Менежмент технологияси

Бошқарув жараёни. Бошқарув вазифалари. Режалаштириш. Мақсадлар. Ташкил қилиш. Мотивация. А.Маслоу бўйича эҳтиёжлар иерархияси. Мувофиқлаштириш. Бошқарувда ахборотлар ва коммуникациялар. Ташкилот ва ташқи муҳит ўртасидаги коммуникациялар. Ишлаб чиқариш ва Бошқарув бошқичлари бўйича бўлинмалар ичидаги коммуникациялар.

Шахслараро коммуникациялар. Бўлинмалар ўртасидаги коммуникациялар. Норасмий коммуникациялар. Коммуникацион жараён. Коммуникацион тармоқларнинг намуналари.

Бошқарув қарорлари. Қарорни бажарилишини ташкил қилиш. Қарорни бажарилиши устидан назорат қилиш, фаолият ва қарорга тузатишлар киритиш. Қарорни бажариш бўйича фаолиятни баҳолаш.

3-мавзу. Ташкилотлар ва уларни бошқариш

Ташкилотлар тушунчаси ва уларнинг тавсифи. Ташкилотнинг яшаш даври. Ташкилотларнинг ички муҳити. Ташкилотларнинг ташқи муҳити. Ташкилот ички ва ташқи муҳитининг омиллари ва ўзгарувчанлиги. Ташкилотлар фаолиятини туркумлаштириш. Ташкилий тузилмаларнинг турлари. Ташкилотнинг ташкилий тузилмаси.

Меҳнатнинг горизонтал бўлиниши. Меҳнатнинг вертикал тақсимланиши. Тўғри чизиқли тузилма. Бошқарувнинг вазифавий тузилиши. Тўғри чизиқли вазифавий тузилма. Бошқарувнинг тўғри чизиқли - штабли тузилмаси. Бошқарувнинг матрица тузилмаси. Дивизионал (ёки бўлимли) ташкилий тузилма. Маҳсулотли ташкилий тузилма. Минтақавий ташкилий тузилма. Истеъмолчига қаратилган ташкилий тузилма. Бошқарувнинг комбинациялаштирилган тузилмаси.

Асосий ташкилий-ҳуқуқий шакллар. Маъсулияти чекланган жамият. Қўшимча маъсулиятга эга жамият. Акциядорлик (ҳиссадорлик) жамияти. Шўъба ва боғлиқ жамиятлар. Давлат унитар корхоналари. Нотижорат ташкилотлар. Матлубот кооперативи. Картель. Синдикат. Трест. Концерн. Консорциум. Саноат холдинглари. Тадбиркорлар уюшмалари. Виртуал корпорация.

Ташкилотларни ривожланишидаги замонавий тенденциялар. Тармоқли ташкилотлар. Ташкилотларнинг янги турлари. Ташкилотларни стратегик бошқариш. Стратегик бошқарув тузилмаси. Стратегик мақсадларини белгилаш. Стратегияни танлаш. Ташкилий ўзгаришларни бошқариш. Ташкилий ўзгаришларни амалга ошириш моделлари. Бошқарув самарадорлиги.

4-мавзу. Замонавий менежер

Менежер тушунчаси, шахсий ва ишга доир сифатлари, вазифалари. Корхона менежерларининг даражалари. Менежер ва етакчи. Етакчининг анъанавий концепцияси. Менежернинг етакчидан фарқи. Етакчилик сифатлари назарияси. Етакчилик хулқи концепциялари. Вазиятли етакчилик концепцияси. Танненбаум-Шмидт етакчилик хулқи континууми (узликсизлиги).

Вазиятли етакчилик моделлари (Ф.Фидлер). Херсей ва Бланшарларнинг вазиятли етакчилик модели. Хауз ва Митчелларнинг “йўл-мақсад етакчилик модели. Врум-Иеттона-Яголарнинг қарорлар қабул қилишнинг вазиятли модели. Етакчиларни янги концепциялари. Атрибутли (белгили) етакчилик концепцияси. Харизматик етакчилик концепцияси. Тубдан ўзгартирувчи етакчи концепцияси.

Менежернинг услуги. Раҳбарлик услубларининг мазмуни. Раҳбарликнинг демократик

услуги. Ишга доир этика ва этикет. Менежернинг имиджи. Имидж тушунчаси. Ишбилармонлик этикаси. Нутқ маданияти. Ишбилармонлик этикетининг миллий хусусиятлари.

5-мавзу. Бошқарув меҳнатини ташкил қилиш

Бошқарув меҳнатининг таърифи, хусусиятлари ва турлари. Эвристик меҳнат. Маъмурий меҳнат. Оператор меҳнати. Бошқарув меҳнатини илмий ташкил қилиш. Раҳбарни ўзини ўзи бошқариши.

Менежмент томонидан вақтдан ва ўз имкониятларидан кўпроқ фойдаланиш. Унинг ўзининг соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш. Ҳаётни боришини онгли равишда бошқариш. Ҳам ишдаги ва ҳам шахсий ҳаётидаги ташқи ҳолатларни енгиб ўтиш.

Ўзини ўзи бошқариши доираси. Мақсадларни қўйиш. Ишлаш қобилиятининг ўртача статистик ўзгаришлари. Ахборот билан ишлаш. Телефондаги сўзлашишлар. Ёзишмаларни рационал олиб бориш. Менежер фаолиятини режалаштириш ва ташкил қилишнинг қуроллари.

6-мавзу. Ташкилот ходимларини бошқариш

Жамоа тушунчаси, турлари, шаклланиш босқичлари. Меҳнат жамоаси. Таъсир ўтказиш ва ҳукмронлик. Мажбур қилишга асосланган ҳукмронлик. Мукофотлашга асосланган ҳукмронлик. Экспертли ҳукмронлик. Намуна ёки харизма ҳукмронлиги. Қонуний ҳукмронлик. Ресурсларга эгалик қилишга асосланган ҳукмронлик. Ахборотларни олиш ва улардан фойдаланишга асосланган ҳукмронлик.

Низоларни бошқариш. Низоларнинг турлари. Шахслараро низо. Шахс ва гуруҳ ўртасидаги низо. Гуруҳлараро низо. Картография усули. Низонинг картаси. Низоларни ҳал қилишнинг таркибий усуллари. Низоларни ҳал қилишнинг шахслараро усуллари.

Ходимларни бошқариш. Ходимларни танлаш. Ходимларни танлашнинг ички ва ташқи манбаларини солиштириш. Менежернинг ишбилармонлик сифатларини баҳолаш. Мартабани бошқариш. Ходимлардан фойдаланиш.

7-мавзу. Корхона қувватини бошқариш

Корхона қувватини бошқариш технологиясининг босқичлари. Корхона қувватидан фойдаланиш динамикаси ва самарадорлигининг тузилишини, унинг бозордаги улушини баҳолаш. Корхона қувватининг рақобатбардошлигини баҳолаш. Корхонанинг иқтисодий қуввати. Корхона қувватининг резервлари ва йўқотишларини таҳлил қилиш. Корхона қувватининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича стратегия ва тактикани танлаш. Танланган стратегия ва тактикадан келиб чиққан ҳолда корхона қувватининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича тадбирларни ўтказиш.

Корхона қувватининг рақобатбардошлиги. Индикаторли усул. Матрица усули. Корхона қуввати қобилиятинг контур матричаси. Корхона қуввати самарадорлиги резервлари. Корхона қуввати рақобатбардошлигининг тузилиши ва динамикаси.

8-мавзу. Корхонада рискларни бошқариш

Риск ва унинг турлари. Таваккалчилик турлари. Таваккалчилик жараёни: риск даражаси, хавфлилик даражаси, эҳтимоллик даражаси, фойда ёки зарар даражаси. Суғурта билан боғлиқ бўлмаган риск турлари: менежерлар хатоси, тижоратчиликдаги хавф. Инкироз шароитида корхоналарда рискларни бошқариш ва олдини олиш.

9-мавзу. Бошқарувда ахборот ва коммуникация

Ахборотлар тизими. Коммуникация. Корхоналарда иш юритиш ҳужжатларини олиб бориш ва ташкил қилиш. Бошқарувда ахборот тизимининг аҳамияти. Ахборот ва унинг бошқаришдаги роли. Бошқариш тизимидаги ахборотнинг алоқалари: ташқи ва ички ахборот.

Ахборотга нисбатан қўйиладиган талаблар: ишончилилик, тушунарли, бир маънолилик, тезкорлик, тўлиқлик, тежамлилик. Тескари алоқа. Ахборот алмашув жараёнида тескари алоқа. Бошқарувда рақамли технологияларни қўллаш.

10-мавзу. Глобал менежмент асослари

Глобал менежмент ва глобал бизнес тушунчалари. Мамлакатни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш шароитида глобал менежментнинг мақсади ва вазифалари. Глобал менежмент хусусиятлари. Глобал бизнесда бошқарув қарорлари ва унга таъсир этувчи омиллар. Глобал менежментда маданият омилининг роли. Глобал бизнеснинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари.

Глобал корпорацияларда стратегик режалаштириш. Кўпмиллатли компаниялар (КМК) стратегиясини шакллантиришнинг шарт-шароитлари. М.Портернинг Глобал рақобат назариясининг асосий қоидалари. Глобал бизнесда интеграциялашган тузилмалар: кўпмиллатли ва трансмиллий компаниялар. Глобал стратегик Альянслар (ХСА). Глобал стратегик Альянслар шакллари. Кўпмиллатли компаниялар шакллари.

11-мавзу. Молиявий бошқарув асослари

Молия сўзининг мъзмуни, моҳияти ва зарурлиги. Молиянинг турлари. Молиянинг функциялари. Давлат бюджети. Давлат бюджетининг харажатлар қисми. Давлат бюджетининг даромадлари қисми. Давлат бюджетининг профицити. Давлат бюджетининг дефицити. Давлат бюджетининг дефицитини қоплаш манбалари. Бевосита солиқлар. Билвосита солиқлар. Маҳаллий бюджетларнинг бириктирилган даромадлари. Маҳаллий бюджетларнинг тартибга солувчи даромадлари. Бюджетдан ташқари пул жамғармаларининг зарурлиги. Давлат кредити. Субсидия. Дотация ва субвенция. Инфляция.

12-мавзу. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари

Кичик бизнес ва тадбиркорлик турлари. Кичик бизнесни ташкилий-ҳуқуқий тузилиши. Кичик бизнес ва тадбиркорликни молиялаштириш. Кичик бизнес ва тадбиркорликни бошқаришдаги хавф-хатарлар, кичик бизнес ва тадбиркорликда маркетинг стратегиялари. Ўзбекистондаги кичик бизнес учун энг яхши бозорлар. Тадбиркорликда рақобатни баҳолаш. Кичик бизнесда мижозлар билан муносабатлар. Тадбиркорлик учун зарур бўлган асосий кўникмалар. Кичик бизнес ва тадбиркорликда электрон тижорат, тадбиркорликда замонавий технологияларнинг роли. Кичик бизнесни кенгайтириш усуллари. Кичик бизнесда брендни яратиш ва ривожлантириш. Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги кичик бизнес ва тадбиркорликнинг хусусиятлари. Технология ва ИТ соҳасидаги кичик бизнеснинг хусусиятлари. Ўзбекистонда кичик бизнесни ташкил этиш ва уни бошқаришдаги талаблар. Кичик бизнеснинг йирик бизнесдан фарқи.

13-мавзу. Агробизнесни бошқариш асослари

Аграр муносабатлар ва уларнинг хусусиятлари. Мамлакат иқтисодиётида аграр соҳанинг тутган ўрни. Ернинг ресурс сифатидаги ўзига хос хусусиятлари. Ер мулкчилиги ва хўжалик юритиш объекти сифатида. Ижара муносабатлари. Ижара ҳақи. Ер рента тушунчаси. Ер рентасининг турлари: дифференциал рента, абсолют рента, монопол рента, ундирувчи саноат ва қурилиш участкаларидан олинувчи рента. Рента тўлови шакллари. Ўзбекистонда ерга ягона солиқни жорий этиш амалиёти. Ер нархи ва уни белгиловчи омиллар. Агросаноат интеграцияси. Агробизнес ва унинг турлари. Дехқон, фермер ва ширкат хўжаликлари. Ўзбекистонда аграр ислохотларни амалга ошириш, фермер ва дехқон хўжаликларини ривожлантиришнинг давлат дастурлари.

14-мавзу. Лойиҳа бошқаруви асослари

Лойиҳа ҳақида тушунча. Лойиҳа бошқаруви. Лойиҳанинг мақсади унинг аҳамияти. “Лойиҳа манфаатдор томонлари” тушунчаси. Лойиҳани ишлаб чиқиш ва амалга ошириш босқичлари. Лойиҳавий офис фаолияти, мақсади ва ташкилий тузилиши. Лойиҳа жамоасининг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг вазифалари. Лойиҳа Низоми. Лойиҳалар ташаббусидаги ҳужжатлар. Лойиҳавий йўналтирилган ташкилотларнинг асосий фаолияти. Лойиҳа доирасида манфаатдор томонлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик. Манфаатдор томонлар ўртасида устуворликларни белгилаш. Лойиҳада "имплементация"си ва "амалга ошириш" тушунчалари. Лойиҳаларнинг муваффақиясизлигига олиб келувчи омиллар.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Асосий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 сентябрдаги «Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-306-сон қарори, <https://lex.uz/docs/6609110>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 15 ноябрдаги «Аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 15.11.2023 йилдаги ПҚ-366-сон қарори, <https://lex.uz/ru/docs/6663044>.
3. Ricky W. Griffin. Fundamentals of management. 8 th Edition. 2015.-510 p.
4. Йўлдошев Н.Қ. Менежментга кириш. Дарслик. –Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт матбаа уйи”, 2021 й. -392 б.
5. Виханский, О. С. Менеджмент: учебник / О. С. Виханский, А. И. Наумов. – 6-е изд., перераб. и доп. – Москва: Магистр Инфра-М, 2019. – 656 с.
6. Гуськов, Ю. В. Основы менеджмента: учебник / Ю. В. Гуськов. — Москва: ИНФРА-М, 2019. — 263 с.
7. Ambar G., Chandana G. Public Finance. – India, 2014. – 368 p.
11. R. Alimov, U. Otajonov, A. Ishnazarov, I. Xabibullayev, M. Saidova. “Ekonometrika asoslari”. O‘quv qo‘llanma. Ro‘uxatga olish raqami 237 - 471. T.2021-y 31-may.
12. Дегтярева, Н.А. Эконометрические модели анализа и прогнозирования: монография / Н.А. Дегтярева. – Челябинск: Цицеро, 2017. – 170 б.
13. Хўджамуратова Г.Й., Азларова М.М. Менежмент. Маркетинг. Дарслик. -Т: Иқтисодиёт, 2019. -358 б.
14. Йўлдошев Н.Қ., Набоков В.И. Менежмент назарияси. Дарслик. –Т.:ТДИУ, 2013.- 433 б.
15. Йўлдошев Н.Қ., Захидов Г.Э. Менежмент. Дарслик. -Т: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, 2018 й. -392 б.

Қўшимча адабиётлар:

1. Chevallier J., Goutte S., Guerreiro D., Saglio S., Sanhaji B. International Financial Markets. – London: Routledge, 2019. - 438 p.
2. Мороз, О.А. Управление проектами в ProjectLibre / О.А. Мороз. - Рн/Д: Феникс, 2018. - 384 с
3. Малое инновационное предпринимательство: Кейсы Российских компаний / Д.С. Андрюк и др. Под. ред. Д.С. Медовникова. – М.: МАКС Пресс, 2013. – 196 с.
4. David Boddy. Management An Introduction. Sixth Edition. 2014. y. 670 p.

5. Ward A. Finance: Theory and Practice. - Chartered Accountants Ireland; 2nd Revised edition, 2020. – 910 p.

6.Кендалл И., Роллинз К. Современные методы управления портфелями проектов и офис управления проектами: Пер. с англ. - М.: ПМСОФТ, 2004 - 338 с.

7.Иванов П.В. Управление проектами: Учебное пособие / П.В. Иванов. - Рн/Д: Феникс, 2018. - 102 с.

8.Финансы. Учебник. Под ред. проф. Н.Ю. Исаковой.- Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2019. — 336 с.

Axborot manbaalari:

1. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.
2. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
3. www.tradingeconomics.com – иқтисодий кўрсаткичлар.
- 4.<https://pm.center>
- 5.<http://pmpofy.ru>
- 6.<http://sparm.kz>
- 7.<http://pmpexpert.uz>